



ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2002 йил 7 июн, жума №91 (1308)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

ҚИЗИРИҚ ВА ЖАРҚЎРҒОН ТУМАНИ ГАЛЛАКОРЛАРИГА

Азиз дўстлар!

Сизларнинг барчангизни эришган катта меҳнат галабангиз - 22 минг тоннадан галла тайёрлаб, ҳар қайси туман ўз шартномавий режаларини мамлакатимизда биринчилардан бўлиб бажаргани билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Кейинги йилларда галла етиштириш бўйича пешқадам бўлиб, маррага ҳаммадан аввал етиб келаётган Жарқўрғон тумани миришкорлари сафига бу хосиятли йилда Қизирқ тумани галлакорларининг ҳам қўшилгани айниқса қувончлидир.

Бир-бирига қўшни бўлган бу икки туман меҳнаткашлари қўлга киритган бундай муваффақият замирида аввало деҳқонларимизнинг ерга эгалик туйғуси, ўзо меҳнатидан манфаатдорлик ҳисси ортиб бораётгани, қишлоқда ҳўжалик юртишининг замонавий, илгор усуллари изчил жорий этилаётгани мужассам, десак, асло хато бўлмайди.

Сизларнинг сидқидилдан меҳнат қилиб, қийинчиликларни мардона энгиб, Жарқўрғон туманида ҳар гектар майдондан 47 центнердан, Қизирқ туманида эса 45 центнердан мўл ҳосил етиштиргангиз, воҳа шароитига мос галла навларини танлаш, агротехника тадбирлари ва ўрим-йғим ишларини тез ва соз ўтказишда оқилона йўл тутганингиз саховатли Ўрхон замини қандай бекиёс имкониятларга эга эканини, воҳа деҳқонларининг қандай катта ишларга қодир эканини яна бир бор исботлайди.

Айниқса, жарқўрғонликларнинг режага қўшимча равишда 2000 тонна, Қизирқ тумани меҳнаткашларининг эса 1600 тонна галла тайёрлашга азму қарор қилгани барчамизни мамнун этади.

Фурсатдан фойдаланиб, мард ва танти, лафзи ҳалол деҳқонларимизни, фермер ва пудратчиларни, моҳир механизаторларни - сизларнинг барчангизни бугунги меҳнат галабангиз билан яна бир бор қутлаб, сизларга сийҳат-саломатлик, хонадонларингизга тинчлик-хотиржамлик, файзу барака тилайман.

Заҳматкаш қўлларингиз асло дард кўрмасин, ҳамиша омон бўлинг, азизларим.

Ислом КАРИМОВ,

Ўзбекистон

Республикаси Президенти

ПРЕЗИДЕНТ САНКТ-ПЕТЕРБУРГГА ЖўНАБ КЕТДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарларининг саммитида иштирок этиш учун 6 июн кунини Россиянинг Санкт-Петербург шаҳрига жўнаб кетди.

Ўзбекистон, Қозғоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Хитой ва Россия йили июн ойида Хитойнинг Шанхай шаҳрида тўзилган эди. Бу галги саммитда ушбу ташкилот ўтган Шанхай ҳамкорлик таш-

килоти доирасида амалга ошириладиган ишлар, аъзо давлатлар ўртасидаги ҳамкорликни янада кенгайтириш билан боғлиқ масалалар муҳокама этилиб, қатор ҳужжатлар имзоланиши кўзда тутилган. (ЎЗА).

ПРЕЗИДЕНТ САНКТ-ПЕТЕРБУРГГА ЕТИБ КЕЛДИ

6 июн. Санкт-Петербург. ЎЗА махсус мухбири Анвар Бобоев хабар қилади.

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарларининг саммитида иштирок этиш учун 6 июн кунини Санкт-Петербург шаҳрига етиб келди.

Санкт-Петербурзнинг «Пулков-1» аэропортида давлатимиз раҳбарини ушбу шаҳар губернатори В.Яковлев ва бошқа расмий кишилар кутиб олди.

Бугун Ислом Каримов билан Тожикистон Президенти Имомали Раҳмоновнинг учрашуви кутилмоқда. (ЎЗА).



ДИНЛАРАРО БАҒРИКЕНГЛИК - БАҒҚАРОРЛИК АСОСИ

Бу муборак заминда бизнинг аجدдоларимиз бошқа дин вакилларига доимо ҳурмат билан қараганлар, мана шу юрт озодлиги йўлида улар билан бирга кураш олиб боргани, елкадош бўлиб меҳнат қилганини ҳеч ким инкор эта олмайди.

Ислом КАРИМОВ

Самарқандда Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий маркази, Дин ишлари бўйича қўмита ҳамкорлигида «Жамиятда диннинг ўрни» мавзусида давра суҳбати ўтказилди. Тадбирда Самарқанд жамоатчилиги, Ўзбекистон мусулмонлари идораси ходимлари ҳамда вилоятда фаолият кўрсатган турли конфессия раҳбар ва вакиллари қатнашдилар.

Самимий мулоқот тарзида ўтган йиғилишда республикада миллатлараро ҳамжиҳатлик ва диний бағрикенглик муносабатларини мустаҳкамлаш ва янада тақомиллаштириш масалалари муҳокама қилинди. Президентимиз Ислом

Каримовнинг «Мустақиллик ниҳоли кўкариши учун унга тинчлик, осойишталик, тотувлик, миллатлараро чидам ва бардош каби кучли илдизлар керак. Шунда у ҳар қандай шамол, довул, бўронларда эгилмайдиган бўлиб улғаяди», деган сўзларини ҳаётга изчиллик билан таъбиқ этиш зарурлиги таъкидланди.

Давра суҳбати иштирокчилари тарихимизнинг барча даврларида дин доимо одамларда яхши хислатларини кўпайтириб, ёмонларидан ҳалос бўлишга чорлаганлигини таъкидлаб, диний экстремизм ва терроризмнинг юксак умуминсоний қадриятларга асосланган ҳақиқий динга ҳеч қандай алоқаси йўқлиги, сиёсий мақсадларга эришиш

учун диний зўравонликдан восита сифатида фойдаланишга йўл қўймаслик зарурлигини қайд этди.

Йиғилишда сўзга чиққан Бош вазир ўринбосари Ҳ.Кароматов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси З.Хусниддинов бугунги кунда маънавий ва диний жабҳаларда кечаётган мураккаб жараёнда барча миллат ва дин вакиллари бир-бирларига нисбатан ҳамжиҳатлик, бағрикенглик ва ўзаро ҳурмат тамойилларига амал қилишлари доимий барқарорликнинг муҳим омилларидан эканини кўрсатиб ўтдилар.

Давра суҳбатида соҳа бўйича кўтарилган муаммоларнинг ҳуқуқий, ахлоқий ва ижтимоий-маънавий жиҳатлари кўриб чиқилди ва уларнинг ечимини юзасидан тегишли тавсия ва амалий тақлифлар қабул қилинди. (ЎЗА).

Бу ҳақда Навоий вилоят Кенгаши сессиясида гапирилган эди

Буюк аллома Аҳмад ал-Фарғонийнинг 1200 йиллик юбилейига тайёргарлик ишлари билан танишиш мақсадида мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов Кува туманида ҳам бўлган эди. Ушбу ташириш чоғида Юртбошимиз Фарғона вилоятининг қишлоқ-шаҳарларини, маҳалла-хонадонларини обод этиш, қўқаламзорлаштириш, йўлларнинг четларини гулзорларга айлантиришни ҳамда бу борада қўшни Андижон вилоятидан ибрат олишни маслаҳат берганди.

Юртбошимизнинг бу таширидан сўнг Фарғона вилоятининг шаҳарлари, туманлари марказлари, қишлоқ ва маҳаллалари қиёфаси ўзгача тус олди. Янги замонавий иншоотлар, турар-жойлар қад кўтарди. Айниқса, ободончилик, қўқаламзорлаштириш ишларига жиддий эътибор берилди. Илгарилари қаровсиз ётган хиёбонлар бугун боғу роғ, гулзорларга айланган. Айниқса, бу борада қувалиқлар амалга оширилган ишлар мақтовга лойиқ бўлмоқда.

Мамлакатимиз Президентининг кўрсатмаларига амал қилган қувалиқлар 1998 йилдаёқ туманда ободончилик ишларини назорат қилиб боровчи штаб ташкил этилди. Ушбу штаб аъзолари ишлаб чиққан дас-

ҚУВА ЧИРОЙИ

тур асосида кенг миқёсда ободонлаштириш ишлари йўлга қўйилди. Туманнинг 110 чакирим масофали ички ҳудуди ободончилигига корхона ва муассасалар, қишлоқ фуқаролар йиғинлари, маҳаллалар масул этиб қўйилди. Штаб аъзолари томонидан бажарилаётган ишлар жиддий назорат қилиб турилди. Бу борада фаол иштирок этганлар рағбатлантирилиб борилди. Ишга масъулиятсиз ёндошларга талабчанлик қилинди.

Эҳтиёждан келиб чиқиб, Кувада гул етиштириш йўлга қўйилди. Бугунга келиб «Куваун» очик турдаги ҳиссадорлик жамияти, «Кувагаз» корхонаси, туман комму-

нал хизмат божқармаси ва машина трактор паркида гулчилик билан шуғулланадиган бўлимлар ташкил этилган. Кувада етиштирилаётган гул кўчатларига эҳтиёж жуда катта бўляпти. Биргина шу йилнинг ўзида Фар-

ғона водийсининг шаҳар ва қишлоқларига кува ва гулчилар бир миллион тупдан ортиқ ажойиб навли гуллар кўчати етказиб беришди. Натияжада шу пайтгача ўзининг анори, мебели, қандолат маҳсулотлари билан машҳур бўлган қувалиқлар гулчилик бўйича ҳам ўзига хос мактаб яратдилар.

Бу ерда амалга оширилаётган ободончилик ишлари барчаннинг диққат-эътиборини тортмоқда. Шу боис бу ерга тажриба ўргангани мамлакатимизнинг шаҳар ва туманларидан вакилларнинг ташриф буюриши одатий ҳолга айланиб қолган.

— Яқинда тумандаги корхона ва ташкилотлар

раҳбарлари билан бирга Кувада бўлдик, - дейди Олий Мажлис депутати, Бувайда тумани ҳокими Бахтиёр Тўракулов. — Бу ерда амалга оширилган ободончилик ишлари билан танишдик. Бизда катта та-

ассурот қолдирган Кува хиёбонлари ва гулзорларига ўхшаш гўзал маканларни туманимизда ҳам кўпайтиришни режалаштириб олдик. Ҳа, бугун қўқаламзорлаштириш, йўлларни раво қилиш, инсонларга ажиб эзгу хислар ҳадя этувчи гўзал манзаралар барпо этишда қувалиқлардан ҳар қанча ўрганса арзийди. Туман марказидаги Фарғоний номи, Акбаробод қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги «Гулистон» маҳалласидаги, шунингдек Султонобод, Деҳқонобод қишлоқларидаги хиёбон ва гулзорлар Қуванин гўзига хос гўзаллик мажмуғи айлانган.

— Бир вақтлар мен Андижонда бошланган бун-

дай ибратли ишлар ҳақида Кувада бўлганимда хавас қилиб гапирган эдим, - деб таъкидлаб ўтди Юртбошимиз халқ депутатлари Навоий вилоят Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида сўзлаган нутқида. — Тушунган одамларга бир оғиз сўз кифоя экан, ҳозир Андижон, Фарғона, Наманган вилоятларида, шаҳар-қишлоқларида катта-хур кичик йўл ва майдонлардаги кўркам манзараларни, кишининг кўзини, қалбини беихтиёр қувонтирадиган савобли ишларни кўриб, ҳар қайси инсоннинг кўнгли, руҳи сўзсиз очилиб, яйраб кетади.

Мамлакатимиз раҳбарининг бу эътирофи бутун Фарғона водийси вилоятларида, шу жумладан кўҳна ва ҳамиша навақирон Кува туманида ободонлаштириш ишларининг янада қувалиқлиги, гўзаллиги ва эзгулик рамзи бўлган гулчиликнинг ривожланишига, янги-янги хиёбонлар ва гулзорлар барпо этишга даъват этмоқда.

Мўйдинжон

СОБИТОВ,

«Ишонч» мухбири.

ЧОРВАДОРЛАР ҲАМКОРИ

Томан тумани чўпонлари тайёр қоракўл териларни сотишда ишончли ҳамкор топилди. Томдибулоқ кўрғонидан иш бошлаган «Шарқ» ишлаб чиқариш савдо фирмаси қоракўл териларини қайта ишлаб, тайёр маҳсулот етказиб бера бошлады.

Фирмада чўпонлар учун пўстин, бош кийим, қўлоқ, аёллар учун манто ва бошқа кийим-кечаклар тикилмоқда. Энг муҳими, сифатли қоракўл териларидан тайёрланаётган устки кийимлар хорижий ишбилармонлар эътиборини ҳам ўзига жалб этмоқда. Ҳар бири жаҳон бозорига 600-1000 доллардан баҳоланаётган бундай маҳсулотга талаб ортиб бораётган. Томдилик тадбиркорлар ҳозиргача россиялик харидорларга 5 миллион сўмлик маҳсулот сотишди. (ЎЗА).

НОҚОНУНИЙ БУЙРУҚ бекор қилинди

Кутилмаганда мактабда комиссия аъзолари пайдо бўлишди. Жиддий қиёфадаги кишилар синфхоналардаги аҳвол, таълим-тарбия ишлари қандай ташкил этилганлигини текширишга тушдилар.

Ўқитувчи З.Абдусаломова синфда ўқувчиларга Миллий истиқлол мафураси ва унинг асосий тамойиллари юзасидан сабоқ бераётган эди. Йигит ва қизлар хонага шашт билан эшик қоқмай кириб келган кишиларни кўриб, саросимага тушибди. Улар бирин-кетин саволга тутилди. Режадаги ишни амалга оширган текширувчилар муҳим фан яхши ўзлаштирилмаган, деган хулосага келишди.

Синов навбати устозга келди. Директор хонасидаги савол-жавоб узоқ давом этди. Комиссия хуло-

саси яна кўпчиликни хайратга солди: ўқитувчи З.Абдусаломова ўз фанини билмайди, деб топилди. Шунда вилоят педагогика ходимлари малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш институтининг сертификат комиссияси аъзоларига тутқазилди. Унда З.Абдусаломова 2001 йил июн ойида ўз малакасини оширган, тегишли фан бўйича дарс ўтишга тўла ҳуқуқли эканлиги баён этилганди. Бироқ муҳим ҳужжат инobatга олинмади.

Текшириш яқунлари туман халқ таълими бўлимининг кенгайтирилган педагогика кенгашида ҳам муҳокама қилинди. Йиғилишда 12-ўрта мактабда таълим-тарбия ишлари талабга жавоб бермаслиги алоҳида қайд этилиб, ўқитувчи З.Абдусаломова ўз вазифасига нолайик, деб топилди ва уни иш-

дан бўшатиш масаласи кўндаланг қўйилди.

Мактаб директори ўйлай-ўйлай шундай буйруққа имзо чекди. Унда мутахассислиги бўйича бошлангич синфларда дарс бўлмаганлиги ҳисобга олиниб, З.Абдусаломова 0,5 ставка лаборантлик вазифасига вақтинчалик ўтказилиши, 9-«а» синф раҳбарлиги сақлаб қолиниши таъкидланганди.

Халқ таълими бўлими мутахассислари, мактаб маъмурияти бундай буйруқ Меҳнат қонунларига зид эканлигини ўйлаб ҳам кўришмаган. Бинобарин, Меҳнат Кодексининг 101-моддасида иш бевуғчи билан ходим ўртасидаги меҳнат низоларининг ҳал этилиши аниқ-равшан кўрсатилган. Мазкур моддада ходимни ишдан бўшатишда касбаба уюш-

Ҳақ-ҳуқуқимизни билайлик, уни ҳимоя қила олайлик

ма розилиги ёзма равишда олиниши, ишдан бўшатилиш сабаблари тегишли ҳужжатларнинг бандлари билан далилланиши кўзда тутилган. Ажабланарлиси шуки, интизомий чорани қўллашда касабакўм негадир оғохлантирилмаган.

16 йил мактабда сидқидил меҳнат қилган муаллимга нисбатан шундай муносабатда бўлинди. Замирахоннинг умр йўлдоши иккинчи гуруҳ ногирони эканлиги, тўрт нафар ёш боласи борлиги ҳам инobatга олинмади. Бироқ у иродасини қўлга олиб, ҳақ-ҳуқуқи учун қатъий курашди.

Ўз атрофиға юз нафарга яқин касбаба уюшма аъзосини бирлаштирган 12-мактаб касабакўми ноқонуний буйруққа беварқ қараб турмади. Адолатни тиклаш учун биргаликда қатъий туриб ҳаракат қилишди. Улар Қўрғонтепа туман таълим ва фан ходимлари касбаба уюшма қўмитасига ёзма равишда мурожаат этдилар.

Қўмита раиси бошлиқ хайъат аъзолари мактабда бўлиб, масалага ўта масъулият билан ёндошдилар. Натияжада бир ўқитувчининг ҳақ-ҳуқуқи поймол этилганлиги, қонун бузилишларига йўл қўйилганлиги аниқланди. Боз устига, интизомий чора буйруқлар дафтарига расмийлаштирилмаган, ходимга буйруқдан кўчирма берилмаган. Яна бир томони — ўқитувчининг ўз касбига лойиқ ёки нолайиклиги юзасидан туман аттестация гуруҳининг хулосаси олинмаган. Қолаверса, З.Абдусаломованинг розилигисиз бошқа ишга ўтказилиши ҳам Меҳнат қонунларидаги хилоф, деб топилди.

Касбаба уюшма фаолларининг саъй-ҳаракати билан адолат юзага чиқди. Мактаб директори ўз буйруғини бекор қилиб, З.Абдусаломовани ўз ишига қайта тиклади.

Собиржон РЎЗМАТОВ,

«Ишонч» мухбири.



10-16 июн

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

ДУШАНБА, 10

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ
Телекомпаниялар диққатига!
Профилактика муносабати билан...

15.00 «Тахлилнома».
15.45 Ўзбекистон телерадио-
компанияси халқ чоғулари
оркестрининг концерти.

16.30 1. «Олтин тож». Телевизи-
он ўйини. 2. «Саргузашлар
асири». Видеофильм. 4-қисм.

17.35 «Инсон ва қонун».
17.55 ТВ маркет.
18.00 Янгиликлар
18.10 Эстрада тароналари.

18.30 «Мулк».
18.45 «Бахтли воқеа». Телелото-
рея.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00
Эълонлар

19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртақлари.
20.15 Биржа ва банк хабарлари.

20.30 «Ахборот».
21.05 Ўзбекистон - АҚШ:
Хамкорлик йўлида. «Узоқ ва
яқин Америка». 1-қисм.

21.45 Теннис бўйича «Тошкент
оупен» халқаро турнирининг
тантанали очилиши (эфиб
олинган)

22.15 2002 йил - Қарияларни
кадрлаш йили. «Париси бор
уй».
22.45 Футбол бўйича жаҳон
чемпионати кундалиги.

10.20 «Гугуртга кетиб». Бадий
фильм.
11.50 ТВ клип.
12.05 «Париси бор уй».

12.35, 13.35 ТВ анонс.
12.40 «Ешлар ва мусика».
13.10 «23.5 даражали бурчак
оғиди». Телесериал премье-
раси. 83-қисм.

13.40 Теннис бўйича «Тошкент
оупен» халқаро турнири.
«Ёғи таътил кунларида:
«Болалар сайёраси»
16.00 1. «Саргузашлар асири».
Видеофильм. 5-қисм. 2.
«Покахонтас». Мультсериал
премьераси.

16.55 «Ватанимга хизмат
киламан».
18.10 «Баркамол авлод орзуси».
18.30 «Инсон ва қонун».
18.50 «Олтин мерос».
19.05 «Тафсилот».

19.25, 19.55, 20.25, 21.00
Эълонлар
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртақлари.
21.05 FCN «Ўзбекистон
янгиликлари» (инглиз тилида)

20.30 «Ахборот».
21.05 Ўзбекистон - АҚШ:
Хамкорлик йўлида. «Хамкор-
ликнинг янги босқичи». 2-қисм.
21.25 «Ўзбекистон» каналида
илк маротаба: «Ошин». Телесе-
риал премьераси.

21.55 «Осороти аткаларимиз».
«Спорт» дастури:
22.25 От спорти бўйича жаҳон
кубоги.
22.55 Футбол бўйича жаҳон
чемпионати кундалиги.

23.10 «Ахборот - дайжест».
23.30-23.35 Ватан тимсоллари.
«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ
8.55 Кўрсатувлар дастури.

9.00 «Давр». Ахборот дастури.
9.15 «Янги авлод» почтаси,
«Билагон маслаҳати».
9.45 «Мульттомоша».
10.00 Бизнес-академия.

10.15 «Эсмеральда».
Телесериал.
10.45 Мусикий лаҳзалар.
10.50 Ешлар овози.
11.10 Аскар мактублари.

11.30 Футбол бўйича жаҳон
чемпионати кундалиги.
13.20 Кўҳна оҳанглар.
13.30 Футбол бўйича жаҳон
чемпионати кундалиги.

19.10 «Мулк».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00
Эълонлар
19.30 «Ахборот» (рус тилида)

20.00 Оқшом эртақлари.
20.15 Киноконцерт.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Ўзбекистон - АҚШ:
Хамкорлик йўлида. «Муштарак
максаллар сари». 3-қисм.
21.25 «Қўшиғимиз Сизга
армуғон».

21.50 «Ўзбекистон» каналида
илк маротаба: «Ошин». Телесе-
риал премьераси.
22.20 Футбол бўйича жаҳон
чемпионати кундалиги.
22.35 «ТВ-клуб».
23.00 «Ахборот - дайжест».
23.20-23.25 Ватан тимсоллари.

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ
8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Давр». Ахборот дастури.
9.15 «Янги авлод» студияси: «Оқ
кабутар», «Хар соҳага саёхат».

9.45 «Мульттомоша».
10.00 Давр-интервью.
10.15 Мусикий лаҳзалар.
10.25 «Эсмеральда».
Телесериал.
23.40 «Ахборот-дайжест».
24.00-00.05 Ватан тимсоллари.

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ
8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Давр». Ахборот дастури.
9.15 «Янги авлод» студияси:
«Дунё ва болалар».
9.35 Сийрат.
9.55 Таянч.

10.20 «Эсмеральда».
Телесериал.
10.50 Ешлар овози.
11.10 Тафаккур ёлқинлари.
11.25 Мусикий лаҳзалар.
11.30 Футбол бўйича жаҳон
чемпионати кундалиги.

13.20 Кўҳна оҳанглар.
13.30 Футбол бўйича жаҳон
чемпионати кундалиги.
15.10 «Буюк ипак йўли. Нурота».
Телефильм.
15.30 «Янги авлод» студияси:
«Дунё ва болалар».

15.50 Ҳайра, болажон, уйна.
16.05 Таянч.
16.30 Футбол бўйича жаҳон
чемпионати кундалиги.
18.20 ТВ-анонс.
18.25 Оқшом навалари.

18.40 Каталог.
18.50 Олтин мерос.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.15 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 Сийрат.

15.10 Мусикий лаҳзалар.
15.15 Саломат бўлинг.
15.45 Сифат белгиси.
15.55 «Янги авлод» студияси.
16.15 Огоҳ.
16.30 Футбол бўйича жаҳон
чемпионати кундалиги.

16.00 «Депутат».
16.20 «Талабалик йилларим».
16.45 «Харита». Халқаро шарҳ.
«Ёғи таътил кунларида:
«Болалар сайёраси»
17.00 1. «Санъат гунчалари». 2.
«Бешбармоқ». Тележурнал.

18.10 «Ўзбекистон: XXI аср
ёшлари».
18.30 «Янги ният».
Телелоторея.
19.05 «Инсон ва қонун».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00,
22.55 Эълонлар

19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртақлари.
20.15 FCN «Ўзбекистон
янгиликлари» (инглиз тилида)
20.30 «Ахборот».
21.05 «Телемулоқот».
Саволларга Давлат тест
маркази ходимлари жавоб
берадилар.

21.35 «Аския кечаси».
22.05 «Рухият манзаралари».
22.35 Футбол бўйича жаҳон
чемпионати кундалиги.
22.50 «Кавингтон Кросс».
Телесериал.
23.40 «Ахборот-дайжест».
24.00-00.05 Ватан тимсоллари.

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ
8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Давр». Ахборот дастури.
9.15 «Янги авлод» студияси:
«Дунё ва болалар».
9.35 Сийрат.
9.55 Таянч.

10.20 «Эсмеральда».
Телесериал.
10.50 Ешлар овози.
11.10 Тафаккур ёлқинлари.
11.25 Мусикий лаҳзалар.
11.30 Футбол бўйича жаҳон
чемпионати кундалиги.

13.20 Кўҳна оҳанглар.
13.30 Футбол бўйича жаҳон
чемпионати кундалиги.
15.10 Мусикий лаҳзалар.
15.15 Саломат бўлинг.
15.45 Сифат белгиси.
15.55 «Янги авлод» студияси.
16.15 Огоҳ.

16.30 Футбол бўйича жаҳон
чемпионати кундалиги.
18.20 ТВ-анонс.
18.25 Табобат оламида.
18.45 Оқшом навалари.
18.55, 21.55 Иқлим.

19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.35 ТВ-анонс.
19.40 Давр-интервью.
19.55 Соғлиқни сақлаш
вазирлиги тақдим этади: «Илк
туйғу» видеофильми. 1-қисм.
20.20 Мезон.
20.40 Ёшлик қўшиқлари.

20.50, 21.25, 22.35 Эълонлар
20.55 «Эсмеральда».
Телесериал.
21.30 Ешлар овози.
21.50 Олтин мерос.
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.40 «Мухаббат қаҳваси».

18.20 ТВ-анонс.
18.25 Саломатлик сирлари.
18.45 Оқшом навалари.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.35 ТВ-анонс.
19.40 Кўҳна оҳанглар.

10.05 «Унутмас мени боғим».
10.25 «Вена почта маркаси».
Бадий фильм.
12.05 «Ўзбекистон: XXI аср
ёшлари».
12.25, 13.55 ТВ анонс.

12.30 «Китоб жавонингизга».
12.50 ТВ клип.
13.00 «Олам». Телеальманах.
13.35 «Ўзбек спорти
одимлари».
14.10 «Йиллар ва йўллар».
«Ёғи таътил кунларида:
«Болалар сайёраси»
14.30 «Уйла, изла, топ».

Телемусобақа.
15.10 Теннис бўйича
«Тошкент оупен» халқаро
турнири.
18.10 «Тафсилот».
Телелоторея.
18.25 «Омад кубончи».
Телелоторея.

19.05 «Зиё» студияси
намоиш этади: «Эътиқод
мустаҳкамлиги йўлида».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00
Эълонлар
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртақлари.

20.15 «Тиббиёт одимлари».
20.30 «Ахборот».
21.05 «Азиз одамлар». Дам
олиш дастури.
21.50 «Соғлом она - соғлом
бола».
22.10 «Ўзбекистон» каналида
илк маротаба: «Ошин».

Телесериал премьераси.
22.40 «Бу ажиб фасл». Теле-
альманах.
23.00 «Олтин бешик».
23.25 Футбол бўйича жаҳон
чемпионати кундалиги.
23.40 «Ахборот - дайжест».
24.00-00.05 Ватан тимсоллари.

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ
8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Давр». Ахборот дастури.
9.15 «Янги авлод» студияси:
9.35 Ҳайра, болажон, уйна.
9.50 Давр-интервью.
10.05 «Эсмеральда».

Телесериал.
10.35 Мезон.
10.55 Мусикий лаҳзалар.
11.10 Ешлар овози.
11.30 Футбол бўйича жаҳон
чемпионати кундалиги.

13.20 Кўҳна оҳанглар.
13.30 «Саргардон руҳ». Бадий
фильм.
15.00 Кўшқулоқ.
15.15 «Рамаёна». Телесериал.
15.50 «Янги авлод» студияси:
«Катта танаффус».

16.15 «Мульттомоша».
16.30 Футбол бўйича жаҳон
чемпионати кундалиги.
18.20 ТВ-анонс.
18.25 Саломатлик сирлари.
18.45 Оқшом навалари.

18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.35 ТВ-анонс.
19.40 Кўҳна оҳанглар.
19.50 «Илк туйғу».
Видеофильми. 2-қисм.
20.15 Аср киёфаси.
20.35 «Ер ишқи». Мусикий
дастур.

20.50, 21.25, 22.35 Эълонлар
20.55 «Эсмеральда».
Телесериал.
21.30 Ешлар овози.
21.50 Олтин мерос.
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.40 Кинотакдим.
23.10 «Ешлар» телеканалда
премьера: «Гирдоб». Бадий
фильм.

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ
8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Давр тонги».
9.00 «Янги авлод» студияси:
«Спорт майдончаси». «Хамма
нарсани билишни истайман».
9.30 Табобат оламида.
9.50 Мусикий лаҳзалар.

10.00 «Эсмеральда».
Телесериал.
10.30 Аср киёфаси.
10.50 Ешлар овози.
11.10 Огоҳ.
11.25 Мусикий лаҳзалар.
11.30 Футбол бўйича жаҳон
чемпионати кундалиги.

13.20 Кўҳна оҳанглар.
13.30 «Саргардон руҳ». Бадий
фильм.
15.00 Кўшқулоқ.
15.15 «Рамаёна». Телесериал.
15.50 «Янги авлод» студияси:
«Катта танаффус».

16.15 «Мульттомоша».
16.30 Футбол бўйича жаҳон
чемпионати кундалиги.
18.20 ТВ-анонс.
18.25 Саломатлик сирлари.
18.45 Оқшом навалари.

18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.35 ТВ-анонс.
19.40 Каталог.
19.50 Кўҳна оҳанглар.
19.55 Давр-интервью.

20.10 Ёшлик қўшиқлари.
20.30 Кутилмаган меҳмон.
20.50, 21.45, 22.35 Эълонлар
20.55 «Жули Леско». Бадий
фильм. 9-қисм.
21.50 Олтин мерос.
22.00 «Давр». Ахборот дастури.

22.40 Тунги тароналар.
22.50 Кинотакдим.
23.10 «Ешлар» телеканалда
премьера: «Гирдоб». Бадий
фильм.
00.40-00.45 Хайрли тун!

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ
17.15 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 «Мультчархпалак».
17.40 «Жаҳон географияси».
18.40, 20.20, 21.50
«Экспресс» телегазетаси.

19.00 «Хўсусийлаштириш:
кадам-бакадам».
19.20 «Мисли гаваҳар».
19.35 «Ташриф».
19.55 ТТВада сериал: «Бу ҳам
кино». 19-қисм.
20.40 «Нима учун?».
21.10 «Табриклиямиз-
кутлаймиз».

22.10 «Хамшахарлар» таклиф
этади. «Менинг маҳаллам»
шоуси.
23.10 Кинонигоҳ. «Аёллар
нима истайдилар?».
1.00-1.05 Хайрли тун,
шаҳрим!

00.15 «Ахборот» (рус тилида)
00.45 «Тунингиз осуда
бўлсин!»
ШАНБА, 15
«ЎЗБЕКИСТОН»
ТЕЛЕКАНАЛИ
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».

8.35 ТВ маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
«Ёғи таътил кунларида:
«Болалар сайёраси»
9.00 «Уйла, изла, топ». Теле-
мусобақа.
9.40 «Зиё» студияси намоиш
этади: «Эътиқод мустаҳкамлиги
йўлида».

10.00 «Дунё эшиклари очилди
бизга».
10.20 «Санъат бахшида умр».
Ф. Аҳмедов.
10.50 ТВ-1 кинотеатри:
«Онегин». Бадий фильм.
12.20 ТВ клип.
12.30 «Бу қадим йўлларда».
12.45 «Ягона оилада».
13.15 «Интерклуб».
13.55 ТВ анонс.

14.00 «Маърифат». Телеаль-
манах.
«Ёғи таътил кунларида:
«Болалар сайёраси».
14.20 «Мўъжизалар
майдончаси». Телешоу.
15.10 Теннис бўйича «Тошкент
оупен» халқаро турнири.

18.00 «Митивойлар оиласи».
18.25 «Сихат-саломатлик».
18.45 «Бадий кенгашдан
сўнг».
19.05 «Кишлоқ ҳаёти».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00
Эълонлар
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртақлари.

20.15 FCN «Ўзбекистон
янгиликлари» (инглиз тилида)
20.30 «Ахборот».
21.05 «Обод уйда пок одамлар
яшайди».
21.25 Футбол бўйича жаҳон
чемпионати кундалиги.
21.40 «Шанба оқшомида».

«Тунги ёғду».
Дам олиш дастури.
22.10 «ТВ альманах».
22.30 «Ахборот-дайжест».
22.50 «Ўзбекистон» каналида
илк маротаба: «Ширин орзу-
лар». Бадий фильм.
00.30-00.35 Ватан тимсоллари.

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ
7.55 Кўрсатувлар дастури.
8.00 «Давр тонги».
9.00 «Янги авлод» студияси:
«Спорт майдончаси». «Хамма
нарсани билишни истайман».
9.30 Табобат оламида.
9.50 Мусикий лаҳзалар.

10.00 «Эсмеральда».
Телесериал.
10.30 Аср киёфаси.
10.50 Ешлар овози.
11.10 Огоҳ.
11.25 Мусикий лаҳзалар.
11.30 Футбол бўйича жаҳон
чемпионати кундалиги.

13.20 Кўҳна оҳанглар.
13.30 «Саргардон руҳ». Бадий
фильм.
15.00 Кўшқулоқ.
15.15 «Рамаёна». Телесериал.
15.50 «Янги авлод» студияси:
«Катта танаффус».

16.15 «Мульттомоша».
16.30 Футбол бўйича жаҳон
чемпионати кундалиги.
18.20 ТВ-анонс.
18.25 Саломатлик сирлари.
18.45 Оқшом навалари.
18.55, 21.55 Иқлим.



20.00 Спорт-лото.
20.10 Очил дастурхон.
20.25 Ёшлик навалари.
20.45, 21.20, 22.35 Эълонлар
20.50 «Эсмеральда».
Телесериал.
21.25 Ешлар овози.
21.45 Олтин мерос.

22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.40 «Мухаббат қаҳваси».
Телесериал.
23.05 «Ешлар» телеканалда
спорт: Интерфутбол.
00.50 «Давр». Ахборот дастури.
1.05-1.10 Хайрли тун!

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ
17.15 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТТВада сериал «Официна
баридан чиққан фирибгарлар».
8-қисм.
17.55, 19.10, 22.20 «Экспресс»
телегазетаси.

18.15 «Шаримиз дурдоналари».
18.30, 20.00, 21.15, 22.25
«Пойтахт». Ахборот дастури.
18.50 «Мусикий меҳмонхона».
19.30 «Санъат бахшида умр».
Ф. Раҳматова.

20.30 ТТВада сериал:
«Бебилиска пул».
21.15 «Дорихона эшитиди».
Бевосита мулоқот.
23.05 Кинонигоҳ. «Оқ фотиҳа».
00.15-00.20 Хайрли тун,
шаҳрим!

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ
17.15 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТТВада сериал «Официна
баридан чиққан фирибгарлар».
8-қисм.
17.55, 19.10, 22.20 «Экспресс»
телегазетаси.

18.15 «Шаримиз дурдоналари».
18.30, 20.00, 21.15, 22.25
«Пойтахт». Ахборот дастури.
18.50 «Мусикий меҳмонхона».
19.30 «Санъат бахшида умр».
Ф. Раҳматова.

20.30 ТТВада сериал:
«Бебилиска пул».
21.15 «Дорихона эшитиди».
Бевосита мулоқот.
23.05 Кинонигоҳ. «Оқ фотиҳа».
00.15-00.20 Хайрли тун,
шаҳрим!

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ
17.15 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТТВада сериал «Официна
баридан чиққан фирибгарлар».
10-қисм.
17.55, 19.15, 21.35
«Экспресс» телегазетаси.

18.15 «Шаримиз дурдоналари».
18.30, 20.00, 21.15, 22.25
«Пойтахт». Ахборот дастури.
18.50 ТТВада сериал: «Бу ҳам
кино». 18-қисм.
19.35 «Кўркам ўлкам».
19.50 Мусикий танаффус.
20.30 ТТВада сериал:
«Бебилиска пул».

20.50 «Бебилиска пул».
22.20 Кинонигоҳ. «Мухаббат
барини кечиради».
23.45-23.50 Хайрли тун,
шаҳрим!

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ
17.15 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТТВада сериал «Официна
баридан чиққан фирибгарлар».
10-қисм.
17.55, 19.15, 21.35
«Экспресс» телегазетаси.

18.15 «Шаримиз дурдоналари».
18.30, 20.00, 21.15, 22.25
«Пойтахт». Ахборот дастури.
18.50 ТТВада сериал: «Бу ҳам
кино». 18-қисм.
19.35 «Кўркам ўлкам».
19.50 Мусикий танаффус.

20.30 ТТВада сериал:
«Бебилиска пул».
21.15 «Дорихона эшитиди».
Бевосита мулоқот.
23.05 Кинонигоҳ. «Мусикий
лаҳзалар».
00.05-00.10 Хайрли тун,
шаҳрим!

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ
17.15 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТТВада сериал «Официна
баридан чиққан фирибгарлар».
10-қисм.
17.55, 19.15, 21.35
«Экспресс» телегазетаси.

18.15 «Шаримиз дурдоналари».
18.30, 20.00, 21.15, 22.25
«Пойтахт». Ахборот дастури.
18.50 ТТВада сериал: «Бу ҳам
кино». 18-қисм.
19.35 «Кўркам ўлкам».
19.50 Мусикий танаффус.

20.30 ТТВада сериал:
«Бебилиска пул».
21.15 «Дорихона эшитиди».
Бевосита мулоқот.
23.05 Кинонигоҳ. «Мусикий
лаҳзалар».
00.05-00.10 Хайрли тун,
шаҳрим!

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ
17.15 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТТВада сериал «Официна
баридан чиққан фирибгарлар».
10-қисм.
17.55, 19.15, 21.35
«Экспресс» телегазетаси.

18.15 «Шаримиз дурдоналари».
18.30, 20.00, 21.15, 22.25
«Пойтахт». Ахборот дастури.
18.50 ТТВада сериал: «Бу ҳам
кино». 18-қисм.
19.35 «Кўркам ўлкам».
19.50 Мусикий танаффус.

20.30 ТТВада сериал:
«Бебилиска пул».
21.15 «Дорихона эшитиди».
Бевосита мулоқот.
23.05 Кинонигоҳ. «Мусикий
лаҳзалар».
00.05-00.10 Хайрли тун,
шаҳрим!

«ЎЗБЕКИСТОН»
ТЕЛЕКАНАЛИ
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».

8.35 «Камалак». Болалар учун
кинодастур.
9.10 «Фаройбот».
9.30 «Балиқчи ва олтин балиқ
ҳақида эртақ». Мультфильм.
10.00 «Ватанимга хизмат
киламан».

11.00 «Сиз меҳри».
1

Ёдингизда бўлса, 1991 йилда олмоншунно олим ва таржимон Хуррам Раҳимов ҳамда таниқли шоира Шарифа Салимова ака-ука Гримм эртақларининг 80 тасини бевосита олмон тилидан ўзбек тилига таржима қилган ва у яхлит китоб ҳолида чоп этилган эди. Хуррам Раҳимов яна бир савобли ишга қўл урди. Олмон болаларининг ҳам эртақ дунёсини бойитиш ва уларни ўзбек халқининг урф-одатлари билан ақиндан таништириш мақсадида Габ-

риелла Келлер билан ҳамкорликда ўзбек халқ оғзаки ижоди намуналари бўлган эртақларни олмон тилига ўғирди. «Самарқанддан эртақлар» номи бевосита олмон тилидан ўзбек тилига таржима қилган ва у яхлит китоб ҳолида чоп этилган эди. Хуррам Раҳимов яна бир савобли ишга қўл урди. Олмон болаларининг ҳам эртақ дунёсини бойитиш ва уларни ўзбек халқининг урф-одатлари билан ақиндан таништириш мақсадида Габ-

Халқ оғзаки ижоди

раиси Шарифа Салимова билан ҳамкорликда ўтказилган «Ўзбекистонда аёллар маданияти — Марказий Осиёда қадимий аъналар изидан борган европалик аёл» мавзусида ташкил этилган кўргазмада иштирок этди. Анжуманда Хуррам Раҳимов Габриелла Келлерга таржимонлик қилган эди.

Раҳимовни тўла ишонч билан ўзбек халқ эртақларини олмон тилига ўғирган биринчи ўзбек таржимони, десак аниқ бўлмайди. Айни чоғда у республика олмон тили ўқитувчилари ассоциациясининг ташаббуси гуруҳи раҳбари.

Ўзбек олими Хуррам Раҳимов ва «Халқаро эртақшунослар жамияти» аъзоси Габриелла Келлернинг ўзаро ҳамкорлигида яратилган «Самарқанддан эртақлар» китоби икки халқ, икки тил, икки маданият ўртасидаги дўстлик, ўзаро ҳамкорлик ришталарини янада маҳкамроқ боғлашга хизмат қилади.

Мухторжон УМАРХЎЖАЕВ, Андижон Давлат тиллар педагогика институтининг профессори, Шухратхон ИМЯМИНОВА, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети катта ўқитувчиси.

«САМАРҚАНДДАН ЭРТАҚЛАР»

олмон ўқувчиларини мафтун этди

бўлиб ўтган фольклоршуносларнинг халқаро анжуманида пайдо бўлган эди. Ушундан олмон олимаси шундай деган эди: «Менинг катта орзусим Шарқнинг афсонавий шахри бўлмиш Самарқандни кўриш эди. Шохизинда, Бибиноним, Гўри Амир, Регистон каби тарихий обидалар мени хайратга солди. Осмонўпар минора, мадраса ва гумбазларни кўриб лол қолдим... Самарқанд ҳақиқатдан ҳам

афсонавий шаҳар. Унда тарихи муҳасам, унда бугун акс этаётган, унда юрт келахаги намоён». Габриелла Келлер шундан сўнг Самарқанд вилоятининг шаҳар-қишлоқларида бўлиб, ўзбек халқ эртақлари, лапар, терма, ўланларни ёзиб олди. Ва бу иш 2000 йилга келиб ўз ниҳоясига етди. Чунки, шу йили баҳорда Габриелла Келлер Олий Мажлисда Аёллар ва оила масалалари бўйича комиссия

олмон тилини республикамиз мактаблари ва олий ўқув юрларида самарали ўқитиши ҳамда тилшуносликда таржима соҳасини ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан ривожлантиришда ўзининг муносиб хиссасини қўшаётган олимидир. Шу билан бирга у Музеус, Бехштайн ва ака-ука Гримм эртақларини бўлиб бевосита олмон тилидан таржима қилган ўзбек тилмочидир. Энди эса Хуррам

Футбол
КУТИЛМАГАН НАТИЖАЛАР

хисобида мағлубият билан тарк этишга мажбур бўлди. Ирландлар эса иккинчи

Биз бежизга шов-шувли натижалар, жамоавий ўйин, матонат ва ирода намуналари ҳақида сўз юритаётганимиз йўқ. Аввало айнан шу ҳолатлар футболни бевайди, дилларни жунбушга келтирадиган «миллионлар ўйини» деб аталмиш энг оммавий спорт беллашувига бўлган меҳр-мухаббатни тоблайди. Худди шу сабабга кўра биз ҳар гул Жаҳон чемпионатини орзиқиб кутаемиз ва албатта, худди шундай фазилатлар бизнинг футболчиларимизда ҳам тўла-тўқис намоён бўлса, деб орзу қиламиз.



марта матонат ва ирода намунасини намойиш этдилар. Худди Камерун термаси билан бўлгани каби учрашув асноси 0:1 ҳисобида орта бораётган Мик Маккарти шогирдлари Германия термаси билан баҳсда ҳам ҳисобни тенглаштиришга ва муҳим очкони тортиб олишга муваффақ бўлдилар. Улар энди жуда кучсиз ўйин намойиш этаётган Саудия Арабистони жамоаси устидан галаба қозонсалар бас - навбатдаги босқичга чиқишга умид боғласалар бўлади.

ИШҚИБОЗ ЁН ДАФТАРИГА

- «А» гуруҳи Франция - Уругвай - 0:0
- Дания - Сенегал - 1:1
- «Д» гуруҳи АҚШ - Португалия - 3:2
- «Е» гуруҳи Германия - Ирландия - 1:1
- Камерун - С.Арабистони - 1:0
- «Н» гуруҳи Россия - Тунис - 2:0

ЎЗИМИЗДА НИМА ГАП?

Дарвоқе, ҳеч бир воқеа-ҳодиса исзис кетмайди. Жумладан, бугун биз ҳаяжон билан кузатаётган Жаҳон чемпионати ҳам Францияда бўлиб ўтган чемпионатдан сўнг рўй бергани каби Осиё китъасида кечаётган ушбу баҳслар ҳам футбол ривожига катта хисса бўлиб қўшилиши, шубҳасиз. Чамаси, биз ўзбекистонлик футболчилари бундан ҳозирданок амалда кўра бошлаганга ўхшаймиз. Ҳар қалай, мамлакатимиз футбол чемпионатининг навбатдаги тур баҳслари анчайин мурасасиз тарзда ўтди.

Хусусан, Қаршида совринли ўринларга даъвогар «Насаф» Навоийнинг «Зарафшон» жамоасига имкониятини бой бериб қўйди. Гарчанд Зафар Холмуродов ва Рўзикул Бердиев рақиб дарвозасини икки бор ишгол қилган бўлсалар-да, меҳмонлар уч гол билан жавоб қайтариб, му-

хим галабани қўлга киритдилар. Ниҳоят, андижонлик муҳлислар ҳам эркин нафас олишди. Кетма-кет муваффақиятсизликка учраб, турнир жадвалининг қуйи погоналаридан бирини эгаллаб турган «Андижон» ўзига хос жамоасифатида ҳурмат-эҳтиром топган «Навбахор» устидан

11-ТУРДАН КЕЙИНГИ ВАЗИЯТ

	У	Ю	Д	М	Т-Н	О
1. «Пахтакор»	10	10	0	0	34-2	30
2. «Кизилқум»	11	7	1	3	25-13	22
3. «Насаф»	11	6	2	3	20-11	20
4. «Бухоро»	11	6	2	3	16-19	20
5. «Самарқанд-Д»	11	5	3	3	13-11	18
6. «Нефтчи»	11	5	2	4	16-11	17
7. «Металлург»	11	4	4	3	11-13	16
8. «Дўстлик»	11	5	0	6	15-19	15
9. «Зарафшон»	10	4	2	4	14-10	14
10. «Навбахор»	11	4	2	5	17-17	14
11. «Сўғдиёна»	11	3	3	5	13-15	12
12. «Андижон»	11	3	2	6	11-20	11
13. «Кўкон-1912»	11	3	2	6	9-18	11
14. «Трактор»	11	2	3	6	10-17	9
15. «Сурхон»	11	2	2	7	8-21	8
16. «Машъал»	11	2	2	7	8-22	8

Навбатдаги тур баҳслари 8-9 июн кунлари бўлиб ўтади.

КУЛОЛЛАР СУЛОЛАСИ КЎРГАЗМАСИ

Замонавий санъат марказида «Устоз ва шогирд. Уста Иброҳим Комилов» сулолавий Риштон кулоллари кўргазмаси очилди.

Мазкур кўргазма Риштоннинг машҳур устаси, кулолчилар сулоласининг еттинчи вакили 75 ёшли Иброҳим Комилов ижодига бағишланди. - деди санъатшунос Саида Илхомова «Туркистон-пресс» муҳбирига. - Уста Иброҳим отаси уста Додо ва уста Мадамин охун қўлида таҳсил олган. Уста Мадамин XIX асрнинг машҳур устаси бўлиб, Кўкондаги Худоберхон саройини кошинлар билан безаган. У қўллаб риштонлик усталарга кулолчилик сирларини ўргатган уста Абдулло кулол шогирди бўлган. Бу галги кўргазмадан уста ва шогирдларнинг 250 дан ортиқ асарлари ўрин олган.



Пойтахтимиздаги Марказий ҳарбий спорт мажмуида болалар ва ўсмирлар ўртасида у-шу бўйича Ўзбекистон чемпионати мусобақалари бўлиб ўтди. 200 нафарга яқин ёш спортчилар иштирок этган биринчилик беллашувлари гоат мурасасиз кўриниш олди. Мутахассислар ҳамда шарқона кураш ихлосмандларида ўз маҳоратини ошириш йўлида тинимсиз изланаётган ёш у-шучиларнинг хатти-ҳаракатлари катта қизиқиш уйғотди.

Суратларда: мусобақалардан лавҳалар. Мухаммад АМИН (ЎЗА) олган суратлар.

УЛАР ГЕРМАНИЯДА ЎҚИШАДИ

Бундан беш йил муқаддам, Тошкентдаги 60-мактабда немис тилини чуқур ўқитиш йўлга қўйилган эди. Яқинда бу билим ўчоғига немис лингвистик ўқув маркази мақоми берилди.

Шуниси эътиборга сазоворки, мактабнинг иқтидорли ўқувчилари имтиҳонлардан муваффақиятли ўтиб, Германияда ўқиш ҳуқуқини берадиган имтиёзли диплом эгалари бўлдилар. Бу йилги билимлар синовида муваффақиятга эришган бир гуруҳ ўқувчилар ҳам имтиёзли диплом билан тақдирланди. Бундай имконият Марғилондаги 6-мактабда таҳсил олаётган иқтидор эгаларига насиб этди.

КУНИ КЕЧА ГЕРМАНИЯДА ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ЭЛЧИХОНА СИДА БУ ЙИЛГИ ГОЛИБЛАРГА ДИПЛОМЛАР ТОПШИРИЛДИ.

ЁШ МАТЕМАТИКЛАРГА МУКОФОТЛАР

Қозғоғистон пойтахти Остона шаҳрида ўтказилган билимдонлар мусобақаси истеъдодли ёш математиклар учун ҳам ижодий, ҳам илмий синов бўлди. Унда жаҳоннинг турли мамлакатларидан келган 90 га яқин қобилиятли ёшлар қаторида Ўзбекистондан икки нафар ўқувчи ҳам муваффақиятли қатнашди. Нукус шаҳридаги 32-мактаб ўқувчиси Рустам Султонов томонидан тайёрланган «Бир масала ечим» деб номланган математик лойиҳа юқори баҳолаб, халқаро мусобақанинг олтин медали билан тақдирланди. Лойиҳада математик тенгламаларнинг ўзига хос усуллари ўзифодасини топган эди. Бронза медали эса Тошкентдаги 191-мактаб ўқувчиси Адолат Сатимовага насиб этди. Бундай мукофотни у «Айрим сонларнинг рационал исботи» деган математик лойиҳаси учун қўлга киритди.

КАТТА САНАГА ТАРАДДУД

Айни кунларда кўхна Шахрисабзнинг 2700 йиллигига катта тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда. ЮНЕСКОнинг 2002-йилда нишонланган юбилейлари рўйхатига киритилган бу сана муносабати билан Амир Темури номи билан барпо этилган «Ботаника боғи» янада ободонлаштирилади, сўлим орамтоғга ҳамда илмий марказга айлантирилади.

ЎЗБЕК КУРАШИ - ОКЕАНИЯДА

Халқаро кураш ассоциацияси (ХКА) миллизифтихори - курашни бутун дунё миқёсида ривожлантириш, Олимпиада ўйинларига чемпионатлари ўтказилди.

ЭКОЛОГИЯ БАЙРАМИ

Пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек номидаги маданият ва истироҳат боғида 5 июнь - Жаҳон атроф муҳити муҳофазат килиш кунига бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Уни Тошкент шаҳар табиати муҳофазат қилиш кўмитаси, шаҳар кўшимча таълим мажмуи ҳамкорликда ташкил этди.

Й.БОШОФ ЯНГИ ЗЕЛАНДИЯДАН ТАШҚАРИ, ОКЕАНИЯ МИНТАҚАСИДАГИ ПАПУА ЯНГИ ГВИНЕЯ, ТАИТИ, ВАНУАТУ, ТОНГО, САОМА, НОРФОЛС ОРОЛАРИ, ГУАМ, ФИЖИ КАБИ КАТТА-КИЧИК МАМЛАКАТЛАРДА ҲАМ КУРАШНИ ТАРГИБ ҚИЛИШ НИЯТИДА. ШУ МАҚСАДДА ЯНГИ ЗЕЛАНДИЯЛИК БУ МУТАХАССИС ОКЕАНИЯ КУРАШ КОНФЕДЕРАЦИЯСINI ТУЗИШГА КИРИШДИ. БУНДАН ТАШҚАРИ, ЯНГИ ЗЕЛАНДИЯ ПОЛВОНЛАРИ 30 АВГУСТ-1 СЕНТАБР КУНЛАРИ АРМАНИСТОН ПОЙТАХТИ ЕРЕВАН ШАҲРИДА КУРАШ БЎЙИЧА ЎТКАЗИЛАДИГАН IV ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИДА ҚАТНАШАДИ.

Халқаро кураш ассоциациясидан ЎЗА муҳбирига маълум қилишларича, кураш олис Океания минтақасини ҳам забт эта бошлаган. Янги Зеландиялик машҳур спорт мутахассиси Йохан Бошоф ассоциация президенти К.Юсупов номига йўллаган мактубида ўзбек курашини халқаро майдонда ривожлантириш ҳаракатига қўшилишини билдирган.

ТАХРИР ХАЙЪАТИ:

Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жоржия Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Сафар Остонов, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзоҳид Содиков, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.

ТЕЛЕФОНЛАР:

Котибият 56-52-78; Хатлар, реклама ва эълонлар бўлимлари 56-85-43. Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган. Босишга топшириш вақти - 21.00. Топширилди - 21.40.

ЗИЁРАТ

Денов туманининг «Чағоён» газетаси ижодкорлари яқинда Бухоро вилояти бўйлаб саёҳат уюштиришди. Журналистлар хожа Баҳоуддин Нақшбанднинг оналари биби Орифа қабрини зиёрат қилиб, Баҳоуддин Нақшбанд зиёратгоҳ мажмуига ўтдилар. Бундан ташқари, ижодкорлар Ёшдувон туманига ташриф буюришиб, Хўжа Жаҳон номи билан машҳур Абдухалиқ Ёшдувоний ҳазратлари зиёратгоҳини бориб кўришди. Саёҳат журналистларда олам-олам таассурот қолдирди. «Туркистон-пресс».

ISHONCH
МУАССИС:
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Техрир хайъати:
Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жоржия Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Сафар Остонов, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзоҳид Содиков, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.
E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78; Хатлар, реклама ва эълонлар бўлимлари 56-85-43.
Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган.
Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди - 21.40

Манзил: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134
Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот кўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерда терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сомузда эркин нарда.
«Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41-уй.